



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
**SPORT
VAZIRLIGI**

O'zNNTMA
O'zbekiston nodavlat notijorat
tashkilotlari milliy assotsiatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРЛИГИ

ВА

**ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ**

ЎРТАСИДА

**ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА
МЕМОРАНДУМ**

ТОШКЕНТ - 2026

**Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги
ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий
ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида
МЕМОРАНДУМ**

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (кейинги ўринларда – Томонлар) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига таяниб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5012-сон қарорига мувофиқ ушбу Меморандумни қуйидагилар тўғрисида тузишга келишиб олдилар.

1-модда. Меморандумни асосий мақсади

Меморандумнинг асосий мақсади - Томонлар фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда вазирликнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликдаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат.

2-модда. Ҳамкорлик доираси

Томонлар қуйидаги йўналишларда ўзаро ҳамкорликни амалга оширадилар:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда, спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида оммавий спорт, болалар ва ёшлар спортини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

профессионал ва оммавий спортда инновацион ёндашувлар, замонавий технологиялар ва рақамли ечимларни жорий этишда ҳамкорлик қилиш;

худудларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг барча қатламларини спортга жалб этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини ошириш;

спорт соҳасида мутахассислар, мураббийлар ва спорт ташкилотлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларида Нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокини таъминлаш;

аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний фаолликни оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг спорт соҳасидаги ташаббусларини амалга ошириш учун уларга қулай ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий шароитлар яратишга кўмаклашиш;

Ушбу Меморандум доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйиш;

биргаликдаги лойиҳалар ва режалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ўзаро келишувга кўра ижтимоий шериклик қонунчиликка мувофиқ бошқа йўналишларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

3-модда. Меморандум ижросини таъминлаш ва натижаларини кўриб чиқиш

Томонлар ушбу Меморандумнинг 2-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун ҳамкорликда режа ва дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, учрашувлар, давра суҳбатлари, конференция, семинар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш орқали амалга оширадилар.

Мазкур Меморандум ижросини таъминлаш учун Томонларнинг вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

Ушбу Меморандум доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Томонлар ўзларининг фаолиятига оид тегишли ахборот ва маълумотларни ўзаро алмашиши мумкин.

Томонларнинг келишувига асосан ушбу Меморандум ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳар йил якунида кўриб чиқилиб, муҳокама қилинади ва ўзаро ҳамкорликнинг келгусидаги муҳим йўналишлари белгилаб олинади.

4-модда. Масъул шахслар

Томонлар ушбу Меморандумга мувофиқ ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ишларини ташкил этиш мақсадида, ўзларининг бунга масъул ходимларини белгилайдилар ва бу ҳақида бир-бирига маълум қиладилар.